



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГЕРМАНИЯ КАНЦЛЕРИ БИЛАН МИНТАҚАДАГИ ВАЗИЯТ РИВОЖИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

18 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федерал Канцлери Ангела Меркель билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбатда етакчилар икки томонлама кун тартибидида долзарб масалаларни кўриб чиқдилар ҳамда Афғонистондаги воқеаларнинг ривожланиши нуқтаи назаридан минтақадаги жорий вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Ушбу мамлакатда кескинлик ва зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, шунингдек, афғон можаросини сиёсий йўл билан тартибга солиш-


ни халқаро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларида икки мамлакатнинг позиция ва ёндашувлари мос экани алоҳида таъкидланди.

Фуқароларни Афғонистондан авиация транспортида Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит йўли билан Германияга эвакуация қилиш бўйича гуманитар операцияларни амалга

оширишда яқиндан мувофиқлашувни ва фаол идоралараро ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Минтақадаги вазиятнинг янада ривожланиши бўйича олий ва юқори даражадаги мунтазам алоқаларни давом эттиришга келишиб олинди.

ЎЗА



Ишончим комил, биз жонажон Ватанимизга бўлган чексиз меҳримиз ва садоқатимизни муқаддас байроқ қилиб, бор билим ва тажрибамиз, ақл-заковатимизни ишга солиб, ягона халқ, ягона миллат бўлиб, кўзлаган эзгу мақсадларимизга албатта етамиз. Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў-эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакатга айланади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МУНОСАБАТ

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИДА ЯНГИ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон" газетасига берган интервьюси том маънода Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш йўлини белгилаб берувчи муҳим дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Шу маънода, мазкур интервью мамлакат парламенти, сенаторлар ва депутатлар томонидан ҳам алоҳида қизиқиш билан қарши олинди. Ҳар бир сенатор давлатимиз раҳбарининг фикрларидан келиб чиқадиган мазмун-моҳиятни англаб, келгуси фаолиятда дастуриламал сифатида фойдаланишни мақсад қилган.

Давлат раҳбари билан мустақиллигимизнинг 30 йиллиги арафасида ташкил этилган интервью ҳар бир юртдошимиз қалбидан тарихий ҳодисаларни жонлантириб, бугун биз танлаган йўлнинг ҳали кўп ҳам англамаган фалсафасини, асл мақсадини очиб берди.

Гап шундаки, халқимиз билан бирга Янги Ўзбекистонни қуришга бел боғлаганмиз. Лекин "янги" сўзини ва унинг таг замиридаги бениҳоя улғу мақсад-мазмунни англашга ҳар доим ҳам уринавермаймиз. Президентимиз ана

шу кутлуг жараёни содда тил билан очиб берди.

Энди бу сўзнинг биз учун алоҳида аҳамияти борлигини янада теранроқ ҳис қила бошладик. Наврўз — Янги куннинг ҳаётимиздаги ажралмас фалсафасини, жадид боболаримизнинг янгилаш йўлидаги олий мақсад-муддаоларини, маънавий уйғониш йўлидаги мерос жараёнларни ўзимизники қилиб олдик.

— Шу маънода, бугунги кунда бугун халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган "Янги Ўзбекистон" ғояси замирида ана шундай улғу аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мўжассам, десак, адашмаган бўлаемиз, — деди Президентимиз.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда Учинчи уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун "Янги Ўзбекистон" ва "Учинчи Ренессанс" сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улғу мақсадлар сари руҳлантирмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз интервьюсида Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмаслигини, бу туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимизда мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий маффаатларига тўла жавоб берадиган объектив зарурат экани ҳам алоҳида қайд этди.

Давоми 2-бетда

БИЗ ОЙДИН ЙЎЛДАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳаррири саволларига жавобларида кейинги беш йил ичида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётида, онг-шууримизда юз берган энг муҳим ўзгаришлар, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузли ўрни ўз аксини топди.

Бугун дунё кўз ўнгиде ўзининг миллий давлатчиликка доир тарихий тажрибаси, куч-қудрати, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, жамият аъзоларининг фаоллиги билан Янги Ўзбекистон қад ростламоқда.

Ҳар бир кишида, айниқса, ёш авлодда мамлакатнинг бугуни ва эртаси учун бевосита дахлдорлик ҳисси кучайгани, тадбиркорлик, ишбилармонлик умумхалқ ҳаракатига айлангани,

одамларда бугунгидан кўра яхши, фаровон ҳаётга ишонч мустаҳкамлангани, мамлакатда тинч-тотув ҳаёт, ўзаро меҳр-оқибат ҳукм сураётгани энг катта ютуқ ҳисобланади. Чиндан ҳам, кейинги беш йил ичида ижтимоий ҳаётда шахсий фаоллик кучайди, сиёсий партиялар, фуқаролик институтлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг янги мамлакат ҳаётидаги роли ошди. Хотин-қизларнинг,

замонавий билимларни чуқур эгаллаган ёшларнинг давлат бошқарувидаги ўрни кучайди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат жиддий ўзгарганлиги дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган давлатга амалий жавобан қисқа вақт ичида 100 мингдан ортиқ киши Ўзбекистон фуқароси деган шаарафли номга эга бўлди. Турли сабабларга кўра бир-бирдан ажралиб қолган юз мингга яқин оила бирлашди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги кодекс БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида сўзлаган нутқида қатор муҳим ташаббусларни илгари сурган, шу жумладан, БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишни таклиф қилган эди.



Ўзбекистон раҳбари ўз мурожаатида ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидеги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини исботлаганини таъкидлаб, халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргалликда яратишга чақирди. Давлатимиз раҳбари БМТ шафелигида бундай ҳужжатни ишлаб

чиқиш ташаббусини ўртага ташлаб, унда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидеги мажбуриятлари акс этиши лозимлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистоннинг БМТ ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси маълумотларига кўра, мамлакатимиз томонидан ишлаб чиқилган Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги кодекс БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг

расмий ҳужжати сифатида чоп этилди. Ҳужжат БМТнинг олти тасмий тили — араб, хитой, инглиз, француз, рус, испан тилларига таржима қилинди, БМТга аъзо давлатлар, Ташкилотнинг ихтисослашган муассасалари ва агентликларига тарқатилди.

БМТ томонидан эълон қилинган Кодексда пандемияларга қарши глобал миқёсда жавоб чора-тадбирларни кўриш бўйича халқаро ҳамкорлик бирдамлик, очиқлик, ўзаро ёрдам ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш тамойилларига асосланганини муҳимлиги таъкидланган.

Ҳужжатда пандемиялар даврида мамлакатлар олдидеги хавф-хатарларнинг олдини олиш ва уларни камайтириш бўйича ихтиёрий мажбуриятлар мустаҳкамлаиб, хусусан, қуйидаги асосий чора-тадбирлар санаб ўтилган:

1) умумий қабул қилинган меъёр ва стандартларга мувофиқ, тиббий ёрдамдан тенг фойдаланишни таъминлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларини жиҳозлаш, аҳолининг санитария-эпидемиологик фаровонлигини таъминлаш, уни зарур ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш билан таъминлашга масъул бўлган хизматлар салоҳиятини кучайтириш;

Давоми 3-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

РЕНЕССАНС ЯРАТАДИГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА КУЧИМИЗ ҲАМ, ҚУДРАТИМИЗ ҲАМ, ИМКОНИАТИМИЗ ҲАМ ЕТАДИ



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҲУЖЖАТЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ВИЛОЯТ – ТУМАН – ҚИШЛОҚ – МАҲАЛЛА АСОСИДА ИШЛАШ ТИЗИМИ: АМАЛИЁТ ВА САМАРА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ва кенг қўламли ислохотларга батафсил тўхталиб ўтди. Шу билан бирга, жойларда ислохотларнинг самарали кечиши, биринчи навбатда, ҳокимларга, уларнинг билим ва тажрибаси, ишбилармонлик хусусиятларига боғлиқлиги, энг муҳими, улар одамларнинг ишончини қозонган бўлиши шартлигини алоҳида таъкидлади.

Зеро, юртимизда кечаётган изчил ислохотларнинг барчаси инсон, унинг ҳаётий манфаатларига хизмат қилади. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжатнинг замирида инсон тақдири турибди. **Бошқача айтганда, фуқаролар давлатга эмас, давлат фуқароларга хизмат қилмоқда.**

Катъий тартиб ва интизом асосида ишлаш — давр талаби. Режали фаолият ва назорат юксак натижадорлик дегани. Аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини кўтариш бўйича саъй-ҳаракатларнинг натижадорлиги уларни амалга оширишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишга бевосита боғлиқ.

Президентимиз жоритаётган одилона ва оқилона сиёсатнинг туб негизиде ётган энг муҳим ва долзарб масала ҳужжатлар ва топшириқларни бажаришда **ижро интизомига сўзсиз риоя қилишдир.** Фаолият юритиш маданиятининг юқори даражасини намоён қилиш ҳар бир раҳбар ва ходимнинг бурчи ҳисобланади.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 10 февралда қабул қилинган "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони барча да-

ражадаги маҳаллий ҳокимликларда **ижро интизоми**ни янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 31 май санасида имзоланган "ljo.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси мониторингини юритишда мазкур тизим таъсирчанлигини мустаҳкамлаш, унинг аҳамиятини янада ошириш ҳамда самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИДА ЯНГИ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

Танзила НОРБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Сенати Раиси

Бошланиши 1-бетда



Шу ўринда Президентимиз раҳнамолигида бундан беш йил олдин бошланган, бугун жадал давом этаётган, халқимизнинг асрий орзулари рўёби қўзланган **Буюк ўзбек йўлининг** баъзи жиҳатларига тўхталишни жоиз билдик. Хусусан, кейинги йилларда халқимиз шахсий ҳаётининг барча жабҳаларида, айтилик, фуқаролик ҳуқуқлари, сўз, дин ва эътиқод, иқтисодий фаолият эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги таъминланган, қонун устуворлиги, очиқлик ва ошқоралик, жамоатчилик назорати, гендер тенглик каби демократик тамойилларга асосланган яшаш тарзига ўтди.

Бу ўз-ўзидан, шунчаки намоёншорона бўлаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ажодларимиз азиздан “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат қўрғонини бунёд эт”, деб ёш авлодга йўл-йўриқ кўрсатганлар. Биз ҳам суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда ана шундай содда ва ҳаётий талаблардан келиб чиқдик. Хусусан, “Судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик бўлиши керак” деган ғояни илгари сурдик ва амалга оширишни бошладик.

Давлатимиз раҳбари интервьюсида мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида олдимизда турган энг устувор вазифалар нималардан иборат, деган саволга ҳам батафсил жавоб берди. Бунда энг устувор вазифалар ҳақида тўхталинди. Жумладан, биринчи устувор вазифа сифатида ижтимоий сиёсат танлангани Янги Ўзбекистон йўлининг нақадар халқчил экани намунасида.

Бу жараёнда юртимизда ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ҳеч қибеси йўқ, мутлақо янги ва ўзига хос тизими яратилди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, авваллари камбағалликни туғатиш ҳақида бирон ҳаракат учқунини сездикми. Йўқ, албатта. Сезиш қаёқда, камбағаллик мавзусини “хос давралар” да ҳам айтишга сесканар эдик. Лекин, минг афсуски, у бор эди.

Давлатимиз раҳбарининг ўзи ана шу аччиқ ҳақиқатни кун тартибига олиб чиқди ва камбағалчиликни туғатишнинг қизгин ҳаракати, таъбир жоиз бўлса, катта кампания бошланди.

Бундан беш-олти йил олдин кимдир Ўзбекистонда камбағал аҳолидан Президентнинг ўзи бориб ҳол сўрайди, ҳокимлар уйма-уй юради, деса ростки “кўй бу эртани” дердик. Минг шукри, бугун ҳеч ким эътибордан четда қолмапти. “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Маҳаллабай” ва “Хонадонбай” ишлаш усуллари жорий этилди. Пировадда, кўмакка муҳтож ҳар бир оилани, хотин-қизлар, ёшларнинг муаммолари жойида ҳал этилмоқда. Кексалар, ногиронлар, оғир аҳволга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва муруват кўрсатиш каби эзгу анъаналар бугунги кунда янги маъно-мазмун, амалий ҳаракатлар билан бойиб, такомиллашиб бормоқда.

Бу қадриятлар “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Беш муҳим ташаббус”, “Хар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажикимиз” каби дастурларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 2021 йилда барча шаҳар ва туманлардаги жами 7 минг 794 та қишлоқ ва маҳаллада умумий қиймати 20,8 триллион сўмлик қириш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Энди ўзингиз айтинг, Ўзбекистон тарихида қишлоқ ва маҳаллаларимизни ободонлаштиришга қачон бунча катта маблағ ажратилган, қачон олис қишлоқ ва маҳаллаларимиз обод бўлишига бу қадар жиддий эътибор қаратилган. Бугунги ободлик руҳи қачон бўлган? Яна бир гап. Аҳоли муносабатлари билан ишлашнинг ҳам янги тартиби

“Ўзбекистон бугун ўзининг узокни қўзлаган сиёсати билан минтақамиз ва жаҳондаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Парламентлараро Иттифоқ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислот ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди”, — деди Президентимиз ўз интервьюсида.

Халқаро муносабатлар ҳақида мақолада батафсил сўз юритилган. Шу боис, биз бу мавзудаги фикримизни парламентлараро муносабатлардаги ютуқларимиз билан давом эттирсак мақсадли бўлади. Сабаби, “дунёда Янги Ўзбекистонга нисбатан ишонч руҳи ва мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш тамойиллари кучайган” бир шариоитда парламентлараро алоқаларнинг ривожланаётгани ҳам мамлакатнинг тақдири имижини тобора юксалтириб боради.

Модомики, гап шу ҳақда борар экан, биз, аввало, жорий йил 23-24 июнь кунлари Бухоро шаҳрида Баркорор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро форум ўтказилганини тилга оламиз.

Мазкур форумда 100 дан ортиқ мамлакатдан 500 дан ортиқ вакил қатнашди. Шунингдек, Халқаро парламент ташкилотларининг (ПИ, ЕХҲТ ПА, Осие парламенти ассамблеяси, МДХ ПА, ТуркПА) 5 нафар раҳбари, 30 дан ортиқ халқаро ташкилот, ёшлар парламентлари аъзолари, Ўзбекистонда акредитациядан ўтган 20 дан зиёд дипломатик ваколатхоналар вакиллари иштирок этди, 39 нафар чет эллик маърузачи сўзга чиқди.

Форум якуни бўйича Бухоро декларацияси қабул қилинди. Бу декларация дунёнинг ривожланган давлатлари парламентлари билан яқин ҳамкорликка асосланган бўлиб, илгор тажрибалар асосида қонунчиликни такомиллаштириш, мамлакат ҳаётига доир муҳим қарорларни қабул қилишнинг замонавий усуллари амалиётга тарғиб этишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, миллий парламентимиз томонидан хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, халқаро молия тизимлари ва бизнес вакиллари билан 60 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди. ЕХҲТ Парламентлараро Ассамблеяси, Парламентлараро Иттифоқ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси йиғилишларида иштирок этиш мақсадида Сенат аъзоларининг 7 мамлакатга (Арманистон, АҚШ, Молдова, Россия Федерацияси, Қирғизистон, Қозғоғистон) сафарлари ташкил этилди.

Шу ўринда яна бир мулоҳазамизни айтишга жазм этдик. Гап шундаки, биз юқорида тилга олган, Янги Ўзбекистоннинг буюк тамаддун йўли сифатида эътироф этилган ислохотлар самарадорлигида сенатор ва депутатларимиз ҳам фаол иштирокчи бўлиб шаклланмоқда.

Бундан беш-олти йил аввалги парламент фаолиятини бир кўз олдимиздан ўтказайлик. Афсуски, кўп йиллар халқ вакиллари мудроқлик кайфияти билан яшади — фақат кўл кўтардик, овоз бердик, шу холос.

Президентимиз ана шу ташаббусни ҳам кўлга олди. Сенатор ва депутатларни турткилаб уйғотди. Бугун маҳаллий Кенгашлардан тортиб сенаторгача халқ орасида, халқ дарди билан ишлаш тизимига ўтди. Бу маҳаллий ҳокимият органлари қарорлар қабул қилишида, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишида депутатлик назорати ўрнатилганида ҳам кўзга ташланмоқда. Мақсад битта — очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, токи барча саяҳат-ҳаракатларимиз, маблағлар халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилсин.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг интервьюсида билдирилган фикр-мулоҳазалар Янги Ўзбекистонда жадал давом этаётган ислохотларнинг янада мазмунли бўлиши йўлида барчамизга йўлчи қолдуз вазифасини ўтайди.

Бошланиши 1-бетда

Президент Шавкат Мирзиёевнинг яхши қўшничилик сиёсати дунёнинг энг мўътабар минбарларида эътироф этилди. Дунёнинг не-не мамлакатларида одамлар уй-жойидан, мол-мулкдан ажралиб, қочоқларга айланаётган, сувга ғарқ бўлаётган, вояга етмаган болалар ноаённишонсиз йўқолаётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбарининг яхши қўшничилик, йўлларни очиб, гина-қудуратларини унутиш, янги ҳаёт бошлаш сиёсати кўпларга сабоқ бўлгани бор гап.



Ахмаджон МЕЛИБОЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

БИЗ ОЙДИН ЙЎЛДАМИЗ

Мамлакатимизда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган қутлуғ мақсад йўлидаги амалий ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Энг муҳими, ислохотларнинг натижалари халқимизнинг кундалик шахсий ҳаётида, турмуш тарзида, таъбир жоиз бўлса, қайнаётган қозонида, вояга етаётган фарзандлари кўз-қошларида ўз аксини топмоқда. Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти олдидagi нуфузи ошиб бораётди.

Илм-фан тараққиётига берилётган алоҳида эътибор, янги замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш, рақамли иқтисодиётни йўлга қўйиш, янгича дунёқарашга эга малакали кадрларни тайёрлаш, одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш, жамиятнинг барча аъзолари ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашларига эришиш давлатимиз раҳбари белгилаб берган Ҳаракатлар стратегиясининг бош мақсади бўлди. Бу мақсад қозонда қолди кетгани йўқ, халқимиз уни дил-дилдан қабул қилди, ўзининг мақсадига айланганди.

Ўзбекистон Президентлигида ўтказилган сўнгги сайловдан кейинги даврнинг ҳар кунини мамлакат тарихига, миллий тараққиёт соломасига ёзилгудек бой мазмун-моҳиятга, амалий натижага, ҳақоний эътирофларга бой бўлди, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳаларда, бошқарув тизимида, таълим-тарбияда, инсон омилнинг устуворлигига эришишда муҳим аҳамият касб этди. Давлат-жамият-шахс муносабатлари очиқланди. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими муттасил такомиллашга эриштирилди, бу ердан оғир пандемия шароитида ҳам тўхтамагани, ёш оилалар, муҳтожлар, боқувчисиз қолганлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, уй-жой билан таъминланаётгани Президент Шавкат Мирзиёев сиёсатининг ўзак қисмини ташкил этади десак, муболага бўлмайди.

Одамларга нисбатан гамхўр бўлиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳақида доимо гапириларди, тадбир-чоралар белгиланарди, аммо натижа кўп ҳолларда кутилганидек бўлмади. Шавкат Мирзиёев бу борада, аввало, давлатнинг ўзи, жамият мурувватли, инсонпарвар бўлиши лозимлигини кун тартибига қўйди. Жамият одамларни эшитмас, арз-додини тингламаса, муаммоларини ҳал этмаса, бундай тузумнинг эртаси ҳам, келажиги ҳам бўлмайди. Чунки давлат, жамият ва одамлар ўртасида ўзаро боғлиқлик йўқоқлар экан, ҳар ким ўзича ҳаракат қилади. Ўртада узилиш пайдо бўлади. Бундан-да ёмон — давлат ўзининг асосий функциясинан қалғийди. Ижроичлар юқоридан эътиборидан тушиб қолмаслик учун топшириқларни қўйишга йўналтириш, камчиликларни хаспўшлаш, муаммоларни яшириш билан шугулланадилар. Сохта ҳисобот, сохта кўргазма, ёлғон натижалар жамиятда кўзбўямачиликнинг урчишига кенг йўл очди.

Сўхбатда бунга алоҳида эътибор берилганининг сабаби — ҳар қандай сохтакорлик, у каттами, кичими, кўзга ташланадими-йўқми, бундан қатъи назар, жамиятнинг маънавий нуфузига зарар етказиши, одамларнинг ислохотларга бўлган ишончини сусайтиради. Чунки битта ёлғондан мингта ёлғон урчибди. Давлат раҳбарининг вилоятларга ташрифи чоғида кутилмаган, аввалдан режалаштирилмаган, келинчақдек ясантириб қўйилмаган жойларга, маҳаллаларга, ҳовлиларга бориши ва ҳамма нарсани ўз кўзи билан кўриши, тайёрланган сўхбатдошлар билан эмас, кўнгли ёришиб турган,

юрагида фикри, дарди бор, адолат қарор топишига умиди синмаган одамлар билан очик мулоқот қилиши вилоят, шаҳар ва туман раҳбарларига жиддий сабоқ бўлиши керак. Сохтакорлик, кўзбўямачилик билан обрў олишнинг даври ўтди. Бугунги халқ кечаги хайбаракалачи, хўб-хўбчи, қарсақбоз, ўзи тушунмаган, тушида ҳам кўрмаган нарсаларга ҳам қўлини кўтараверадиган халқ эмас. Фикр кўзлари очилган, айтса айтадиган гапи, таклифи бор халқ. Энг обод жойларда ҳам маълум муаммолар бўлади, уларни яширмаслик керак.

Бизнинг бугунги чекимизга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек улғу мақсад тушди. Бу — жуда катта, келажак насллар олдида фахрланишимиз мумкин бўлган омад. Аммо бундай мамлакатни бунёд этиш “шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимизда мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир”.

Чиндан ҳам, Янги Ўзбекистон — демократия, инсон ҳуқуқ-эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қиладиган, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик алоқаларини ўзаро тенглик, ҳурмат-эҳтиром, ҳалоллик, поклик ва ишонч асосида йўлга қўядиган, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари учун тенг имкониятлар яратиши илҳом қилган давлатимизнинг тарихий эътиқодда бағрикенгликка содиқ, пировад натижада эркин, обод ва фаровон ҳаётга эришишни ўзининг улғу мақсади деб белгилаган давлатдир. Бу мақсадга эришиш осон бўлмаслиги аниқ.

Чунки сўхбатда айтилганидек, оғир, таҳликали, шафқатсиз рақобат шароитида, турли давлатларнинг турли манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган, халқаро вазият бир кунда ўзгариб, дунё харитаси ва, ҳатто чегаралар ҳам у ёки бу ёнга буй қўзаётган бир пайтда яшароқдамиз. Авваллари расмий сиёсатда “совуқ уруш”, “иқтисодий уруш”, “мафкуравий кураш” деган иборалар гоёт кўп ишлатилар эди. Бугун уларнинг ёнига давлатимиз раҳбарининг жавобларида “Савдо урушлари” деган

ибора қўшилди. Вакцина билан боғлиқ можаролар ҳам шундай тус олмақда. Буларнинг барчаси замирида шахсий манфаат, бўлинган дунёни қайта бўлиш, бойликларни тақсимлаш, ерости ва ерусти бойликларини тасарруфга олишдек нопок ният ётади. Бу ҳолат миллий тараққиёт йўлини тутган ҳар бир давлатга, у қайси ҳудудда жойлашганидан қатъи назар, салбий таъсир кўрсатади.

Бундай мураккаб шароитда давлат бошқаруви ва жамиятга янги фикр, янги ғоя, янги инновацион сиёсат, юксак маънавиятга етуқ кадрлар зарур бўлади. Бусиз қўзланган маррага етиш қийин. Давлатимиз раҳбари аниқ шу йўлни танлагани ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Бугунги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфасида илмий тафаккур ривожига эътибор, ёшларни замонавий билимлар билан қуроллантириш, илмий марказлар фаолиятини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу ерда тасаввур қилса бўлади: бугун ёшларимиз илм олиш учун хорижга отланмоқда. Шавкат Мирзиёевнинг янги сиёсати бу оқимни Ўзбекистон томонга буриши эҳтимолидан холи эмас. Шундай кун келадими, дунё ёшлари илм-маърифат излаб, қадим боболари каби Тошкентга, Бухоро ва Самарқандга, Хивага, ғўзал водийга йўл олади.

Бугун жамиятимизда тафаккур уйғоқлиги, фикрлар хилма-хиллиги мавжуд, илм эшиклари очик. Уйғоқлик давлат ва жамиятни доимий ҳаракатда, изланишда, демакки, ривожланишда ушлаб туради. Бундан бир неча кун аввал 78 нафар ўзбекистонлик ёш дунёнинг нуфузли университетларида таълим олиш учун АҚШ ва Европа мамлакатларига жўнаб кетди. Бир вақтлар илм-маърифат излаб Европага борган ватандошларимизнинг фожияли қисмати ёдимизга тушади. Қаттоп тузум уларни қонли қилгича дучор қилди. Бугунги ёшларнинг бахти шундаки, улар Янги Ўзбекистоннинг ёш бунёдкорларига айланади, ақл-заковатлари билан истеъдодли ёшларни ўз сафларига қорлайди. Бу йўлда уларни давлатимиз раҳбарининг ўзи қўллаб-қувватлаб турибди.

Тошкентда ўта очир аҳволда яшаб ўтган шоир Мискин XX аср бошларида “Илмисизлик миллатни хориқ-оқибат ҳароб қилади, эл-юрт бошига неки азоб, неки хароблик келса, билинги, бу — илмсизлик оқибатидир. Бошқалар илм бўлигидан баҳраманд бўлиб турганларида, биз оч-яланғоч ўтирибмиз. Бас, биз ҳам илм олишига жадду жадал қилайлик, илм боғида булбулдек сайрайлик. Умр беҳуда ўтиб кетади, чойнахо маёхонани макон айлаб, ёнбошлаб ётавермайлик. Олимун фозиллар боис дуню миллат обод бўлгай”, дея ўз ватандошларини илм зиёсига даъват этган эди.

Бугунги кунларимизнинг ёрқин воқеаларидан бири давлатимиз раҳбарининг илм-фан ривожига алоҳида эътиборидир. Кўп йиллар турғун ҳолатда турган Фанлар академияси фаолиятини кенг маънода қайта йўлга қўйилгани, академия таркибига янги илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилгани, олий ўқув юрталарининг сони бир юз қирқдан ошгани, нуфузли хорижий ўқув юрталарининг филиаллари Ўзбекистонда фаолият бошлагани бизни Янги Ўзбекистонни бунёд этишдек улғу мақсад сари сўзсиз яқинлаштиради. Хорижий қузатувчилар Ўзбекистон раҳбарининг таълим соҳасидаги ислохотлари мамлакат илмий ҳаётида катта сифат ўзгаришларига олиб келишини таъкидламоқда.

Тўрт-беш йил ҳар жиҳатдан олганда ҳам бир зумлик вақт. Аммо унинг ҳар кунини, ҳар бир соатида ўзига хос мазмун-моҳият мавжуд. Шу қисқа мuddат ичида Ўзбекистон янги ижтимоий-маънавий қиёфага эга бўлди. Ҳеч қачон ортага қайтмайдиган йўли, мақсад-муддаоси, яқин келажакка мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси шаклланди. Мамлакатимиз мадҳиясида эътироф этилганидек, халқимизнинг улғу қудрати жўш урди, ташаббускорлик, ишбилармонлик умумхалқ ҳаракати айланди.

Биз бугун жуда олис, маънақатли, аммо буюк келажакка бориб талақадиган миллий тараққиёт йўлидамыз. Давлатимиз раҳбарининг жавобларида айтилганидек, “бугунги Ўзбекистон — бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган Янги Ўзбекистон эмас. Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди. Йўлимиз шу пайтгача осон бўлгани йўқ, бундан кейин ҳам осон бўлмайди. Лекин биз дадил олдинга боришдан, керак бўлса, қутилмаган, аммо пировад натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноанъанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз керак”.

Ҳа, биз йўлдамыз. Ойдин йўлдамыз.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ҲУЖЖАТЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ВИЛОЯТ – ТУМАН – ҚИШЛОҚ – МАҲАЛЛА АСОСИДА ИШЛАШ ТИЗИМИ: АМАЛИЁТ ВА САМАРА



Шавкатжон АБДУРАЗЗОҚОВ, Наманган вилояти ҳокими

Бошланиши 1-бетда

Мазкур қарор юзасидан Наманган вилояти ҳокимлигининг “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди. “Шахсий масъулият, мустаҳкам “темир” интизом ва ташаббускорлик” тамойилларига асосланган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими, яъни “технологик занжир”, ўз навбатида, ҳуқуқий жараёнларни ҳар бир ҳаракат кесимида батафсил, таъбир жоиз бўлса, “соатбай” тартибга солади.

Дарҳақиқат, қонун, фармон ва қарорлар ижросини тўғри ташкил этиш орқали амалга ошириладиган ислохотларнинг ҳар бир туман, қишлоқ ва маҳаллага етиб боришига эришилади.

Таҳлил масъулиятни оширишга ундайди

Наманган вилояти ҳокимлигида штатлар жадвали доирасида 3 та штат бириктириб иборат икки интизомни назорат қилиш бўлими ташкил этилди. Натижада барча даражадаги ҳужжатларни бандма-банд назорат ва таҳлил қилиб бориш имкони яратилди.

Вилоятдаги барча шаҳар ва туман ҳокимликларининг ижро интизомига масъул 14 нафар ходими жорий йил июнь ойида Вазирлар Маҳкамаси аппаратида стажировка ўтаб, уларнинг бу борадаги билим ва касбий маҳорати оширилди.

2021 йилнинг ўтган даври давомида вилоят ҳокимлигининг иш режасида асосан, 88 та мақсадли ва 2 та комплекс ўрганиш ўтказилди. Ўрганишлар якунига кўра, 43 нафар масъул раҳбар ва ходимга нисбатан интизомий чоралар кўрилди, шу жумладан, масъулларнинг 10 нафарига ҳайфсан, 33 нафарига огоҳлантириш берилди.

2021 йилнинг ўтган даврида вилоят ҳокимлигида жами 345 та меъёрий ҳужжат (35 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 33 та фармони, 101 та қарори, 6 та фармойиш, Вазирлар Маҳкамасининг 141 та қарори ҳамда 29 та фармойиш) кирим қилинган.

Мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 298 та қарори, 26 та фармойиши имзоланиб, 33 та ҳужжат тегишли равишда маълумот ва хизматда фойдаланиш учун қабул қилинган ҳамда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Наманган вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Президентининг жами 858 та (131 та фармон, 464 та қарор, 22 та фармойиш, 241 та баёни) меъёрий ҳужжатидаги 5 минг 866 та топшириқ

келиб тушган. Шундан 4 минг 154 та топшириқ бажарилган. Ижродаги 1 минг 684 та топшириқнинг ўз муддатида бажарилиши тизимли назорат қилиб борилмоқда.

Жорий йил 1 январдан 31 июль санасига қадар жами 668 та топшириқ (118 та фармон, 246 та қарор, 5 та фармойиш, 299 та баён) келиб тушган бўлиб, хозирга қадар 640 тасининг ижроси таъминланган, 28 тасининг ижросини таъминлаш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Имзоланаётган қарорлар “Е-назорат” электрон тизими орқали назорат қилинади

Вилоятда ижро интизоми янада мустаҳкамлаш мақсадида “Е-назорат” электрон тизими жорий этилди. Бу билан барча даражадаги ҳужжатлар қамраб олинди ва тизимли назоратда турибди.

31 июль ҳолатига “Е-raqor” тизими орқали вилоят бўйича ҳокимликларнинг 2092 та қарори, 456 та фармойиш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг 336 та қарори қабул қилинди.

Ҳар бир ҳокимнинг кабинети “Халқ қабулхонаси” бўлади

Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 23 июлда аҳоли муурожаатлари билан ишлаш тизимини янги ташкил қилиш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида одамларни муурожаат қилишга мажбур этаётган муаммоларни маҳалланинг ўзида бартараф қилиш кераклиги қайд этилди.

Алоҳида таъкидландики, ҳар бир ҳокимнинг кабинети “халқ қабулхонаси” бўлади. Аҳоли тўғрисидаги туну кун муурожаат қилиш учун ҳокимларнинг виртуал қабулхонаси ва ижтимоий тармоқларда алоҳида саҳифаларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Ҳар ҳафтада Президентимизнинг вилоятдаги Халқ қабулхонасида, шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳамда виртуал қабулхонада вилоят ҳокимининг шахсий ва сайёр қабуллари режа асосида ўтказиб борилмоқда. Вилоят ҳокимининг ижтимоий тармоқларидаги (pamvilohok@mail.uz, namangan.uz, “Facebook”) расмий саҳифалари орқали туну кун муурожаатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилиб, назоратга олинмоқда.

Ёшларнинг муаммолари ва тақлифларини ўз вақтида кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ҳафта вилоят ҳокимининг “Ҳоким ва ёшлар” учрашувларида масалалар билан ўз вақтида танишиб чиқилиб, ижобий ҳал этиш чоралари кўриб борилмоқда.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида Наманган вилоятига Халқ ва Виртуал қабулхоналар орқали вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, давлат идоралари даражасидаги жами 12 минг 553 та муурожаат келиб тушган бўлиб, хозир уларнинг 11 минг 239 таси ёки 89,5 фоизи ижобий ечим топди. Муурожаатларнинг асосий қисми ижтимоий нафақалар, иш билан таъминлаш, банк кредити, тадбиркорлик, таълим масалалари, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва ичимлик сув таъминоти билан боғлиқдир.

Кўйига тушиб, оддий одамлар муаммоларига қулоқ солган ҳолда, уларнинг муурожаатларига жиддий аҳамият қаратган, ўзини қийнаб, элим деб, юртим деб ёниб яшаган муассадиларгина фуқаролар қалбидан жўй олади. Демак, фаолиятимизга ҳақиқий баҳони халқ беради.

2021 йил 2-чорак якунлари бўйича энг муҳим самарадорлик кўрсатишга эришилгани юзасидан Наманган вилояти туман ва шаҳар ҳокими ҳамда ўринбосарларининг рейтинг натижаларига кўра, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Мингбулоқ, Норин, Учқўрғон туманлари юқори ўринларни банд этган.



Рақамлар ҳаётга кўчганда

Ўтган давр мобайнида ҳар ҳафтанинг сешанба кuni ҳудудларда сайёр қабул ва шахсий қабуллар 12 мартаба, “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари 8 мартаба, “Ҳоким ва тадбиркор” учрашувлари 15 мартаба — жами 35 мартаба ташкил этилди.

Бунда жами 3 минг 149 нафар фуқаро қабул қилиниб, 1 минг 954 та муаммо кўтарилди. Наманган вилоятидаги 775 та маҳаллада “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали 502 мингга хонадон ўрганилди ва аниқланган 92 минг 248 та муаммининг 84 минг 820 таси (91,9 фоизи) бартараф этилди.

Жойларда Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда сайёр қабуллар ўтказилиб, муҳтож оилаларнинг шакллантирилган манзилли рўйхатлари бўйича ҳудудлардаги 106 та оилга чорва ҳайвонлари, 1 минг 643 та оилга 26 минг 653 та парранда, эхтиёжманд 1 минг 176 та оилга тикув машиналари, 1 минг 5 та ёшга техника воситалари бегараз топширилди.

Уй-жой билан таъминлаш мақсадида туманларда 5 қаватли, 1 хонадонли, 60 квартиралар, жами 840 та хонадонли 12 та муниципал уй барпо этила бошлади. Ушбу уйлар оғир ижтимоий вазиятдаги оилаларга ижтимоий ҳолати яхшиланганига қадар вақтинча берилди. Шунингдек, режадаги 860 хонадонли 43 та кўп қаватли (5 қаватли, 20 хонадонли) уй-жойга қўшимча 32 та ёки 640 та хонадон, умумий ҳисобда 75 та 1 минг 500 та хонадонли арзон уй-жой қуриш бошланди. Уларни жорий йил якунигача ишга тушириш натижасида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” рўйхатидаги шундай қатламни реал қисқартиришга эришилди.

Вилоятда 1 367,2 км. ички йўллар таъмирланди (209,5 км. асфальтлаш, 517,1 км. шағаллаш), ички имкониятларимизга асосан, ҳашар йўли билан қўшимча 640,5 км. шағаллаш ишлари бажарилди. Натижада 203 та маҳаллада яшовчи 548,6 минг нафар аҳоли фойдаланганидан йўллар таъмирланди.

Ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида барча манбалар ҳисобидан ажратилган 306 млрд. сўм ҳисобига 90 та объектда 654,3 км. ичимлик ва оқова сув тармоқлари қуриш режалаштирилган.

Айни пайтатча 355,9 км. ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортилди, 1 та янги сув олиш, 1 та оқова сув тозалаш иншооти қурилди, 4 та сув олиш иншооти мукамал таъмирланди.

Бу билан 84 та маҳаллада яшовчи 248,6 минг нафар аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланди ёки вилоятда ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 65,2 фоиздан йил охирига 70,0 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Электр энергияси таъминотини яхшилаш учун 9 минг 500 та янги темир бетон таянч, 152 та янги трансформатор ўрнатилди, 405 км. электр тармоғи тортилди. Шу орқали 28 минг аҳолининг ва 1,5 мингга улгуржи истеъмолчининг электр энергиясига талаби қондирилди.

Газ таъминоти бўйича 14,4 км. тармоқлар жорий, 40 та газ тақсимлаш пункти жорий ва 26 таси мукамал таъмирланди, аҳолига 219 та янги газ баллонлари ҳамда 34 минг 682 тонна су-култирилган газ етказиб берилди.

Ҳар ҳафтанинг шанба кuni “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари уюштирилмоқда. Ўтган тадбирларда 1 минг 757 нафар ёшнинг 544 та муаммоси аниқланди.

Ҳар ҳафтанинг шанба кuni “Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари уюштирилмоқда. Ўтган тадбирларда 1 минг 757 нафар ёшнинг 544 та муаммоси аниқланди.

Масалаларнинг 259 таси (47,6 фоизи) жойида ижобий ҳал қилинди. Натижада 625 нафар талаба-ёшнинг ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 млрд. 897 млн. сўм тўлов-контракт пули олий таълим муассасаларига тўлаб берилди.

Қолаверса, 969 нафар ўсимрга ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун 1 млрд. 475 млн. 400 минг сўм тўлов тўлаб берилиб, ёшларнинг ўзларини ўзлари банд қилишига эришилди.

Ҳар ҳафтанинг чоршанба кuni вилоятда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида “Ҳоким ва тадбиркор” учрашуви механизмининг жорий қилганми.

Ўтган давр мобайнида қарий 711 нафар тадбиркорнинг 694 та масаласи ижобий ечим топди. Масалан, 54 нафарига 140,3 гектар ер майдони, 60 нафарига 133,8 млрд. сўм кредит ажратилди, 71 нафарига бино-иншоот, коммуникация тармоқлари, руҳсат бериш, солиқ, экспорт ва бошқа масалалар бўйича амалий қўмак кўрсатилиши ҳисобига 3 минг 795 та янги иш ўрни яратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва кенгайтириш истиғини билдирган 28,8 мингга субъектнинг 26,6 мингтасига жами 575,3 млрд. сўм кредит ажратилди ва 25,5 мингга фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Муаммолар “маҳаллабай” ишлаш тизимида жойида ҳал этилади

Президентимиз ташаббуси билан давлат бошқаруви тизимига киритилган “маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлаш тамойили орқали хонадонма-хонадон юриб ўрганишлар ўз натижасини бермоқда. Аниқланган ҳар бир масала ва муаммо халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари депутатлик гуруҳларида ўрганилиб, сессияларда муҳокама этиляпти. Шу асосда қарорлар қабул қилинмоқда.

“Маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича вилоятдаги 775 та маҳаллага жами 1331 нафар, шундан 664 нафари тижорат банкларининг

доимий вакили, 334 нафари бошқарув офислари, иқтисодий идоралар ходими ва 333 нафар мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар таркибида жалб этилиб, вилоят, туман, шаҳар штаблари ташкил этилган.

Вилоятдаги барча маҳаллалар тўлиқ хатловдан ўтказилиб, кредит ажратиш, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам, газ, сув, электр ҳамда ижтимоий соҳалар бўйича 92,4 мингдан ортиқ муаммо аниқланиб, 86,8 мингтаси ёки 93,9 фоизи ижобий ҳал этилди. Ҳал этилмаган муаммолар бўйича ҳар бир маҳалла кесимида “йўл хабарлари” ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 майдаги қарори билан вилоятдаги 63 та маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Бугунги кунда ушбу маҳаллаларда 7 649 та хонадон қамраб олинди, уларга 11,8 млрд. сўмлик кредитлар ҳамда 763 млн.сўмлик субсидия ажратилди ҳамда 617 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитилди.

Ихтисослашган маҳаллаларда 13 км. газ тармоғи таъмирланиб, 58 км. электр ва 92 км. сув тармоғи тортилди. 18 та маҳалла бинолари таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларида ижро интизоми ва топшириқлар, қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этишда бир қатор тизимли камчиликлар ҳам мажбур. Хусусан:

биринчидан, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида шахсий иш режаларини ишлаб чиқиш ва уни доимий назорат қилиш, берилган топшириқларни таҳлил этиб бориш, қонунчилик ҳужжатларининг ҳудуддаги ижросини мақсадли ўрганиш талаб даражасида ташкил этилмаган.

Бу каби ҳолатлар натижасида “ijro.gov.uz” электрон тизимида назоратдаги 85 та топшириқнинг кечиктирилиб бажарилишига, 9 та топшириқнинг эса бажариш муддатлари бузилишига йўл қўйилган;

иккинчидан, вазирлик ва идоралар ҳудудий бошқармалари билан вилоят ҳокимлиги ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат ҳужжатлари ҳамда топшириқлари ижроси амалда бажарилиши бўйича маълумотларни умумлаштириш ва мувофиқлантириш борасида ягона тизим мажбур эмас.

Тизимнинг тўғри ташкил этилмагани оқибатида ҳукуматнинг Тўрақўрғон, Чортоқ ва Поп туманларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тасдиқланган қарорлари билан вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва маданият бошқармаларига юклатилган 14 та топшириқнинг ижроси бугунги кунга қадар таъминланмаган;

учинчидан, туман ва шаҳарлардаги ижро интизомига масъул ходимларнинг ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш борасидаги билим, тажриба, кўникмалари етарли эмаслиги юқорида қайд этилган камчиликлар юзга келишига олиб келмоқда.

Шу боис, Вазирлар Маҳкамасида барча шаҳар ва туман ҳокимликларининг ижро интизомига масъул ходимларнинг ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш борасидаги билим, тажриба, кўникмалари етарли эмаслиги юқорида қайд этилган камчиликлар юзга келишига олиб келмоқда.

Шу боис, Вазирлар Маҳкамасида барча шаҳар ва туман ҳокимликларининг ижро интизомига масъул ходимларини йилда икки марта стажировкадан ўтказиш тизими жорий этилса, ўйлабманки, уларнинг бу борадаги билим ва касбий маҳоратлари ошишига катта замин бўлади.

Таъкидлаш лозимки, пировард мақсад ҳам “Ижро интизоми — ислохотлар гарови” тамойили асосида жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий муносабатларни тубдан яхшилаш, аҳоли учун муносиб турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш, халқимизни рози қилишдир.

Зеро, ҳар бир қонунчилик ҳужжатида мазмунан аҳоли фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган нормалар муҷассамлигини асло ёддан чиқармаслигимиз даркор.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигини муносиб кутиб олиш учун Наманган вилоятининг меҳнатсевар халқи ҳам янги Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши ҳамда барча соҳаларда эришяётган ютуқларига ўз ҳиссасини қўшади, албатта. Президентимизнинг бу борадаги ишончли оқлайми.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги кодекс БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Бошланиши 1-бетда

2) қарорлар қабул қилишда очиқлик ва ошқоралиқни таъминлаш, фуқароларда масъулият ҳиссини тарбиялаш ва пандемиялар хавфини англаш орқали аҳолининг хабардорлиги ва санитария-гигиена маданиятини юксалтириш;

3) иш жойида хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш, мослашувчан иш вақти ва масофадан ишлаш усулини жорий этиш, иш жойида камситилишларнинг олдини олиш, ходимларга ҳаётни таъминлаш объектларининг самарали

ишлаши бўйича минимал шaroитларни тақдим этиш;

4) аҳолининг бандлигини иқтисодий тарғиб-батлантириш ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, иш ҳақини таъминлаш, ишсизлар ва ишсиз қолганларга, айниқса, аёллар ва ёшларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек, қисқа муддатли қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини жорий этиш орқали қўллаб-қувватлаш;

5) аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож қатламларига моддий ёрдами кенгай-

тириш, муҳим товарлар ва бирламчи хизматлар тақдим этиш, хайрия фаолиятини рағбатлантириш, давлат-хусусий шериклик ва кўнгилдиллар ўртасидаги ўзаро муносабатларни кучайтириш орқали ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш;

6) озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва товарларни узлуқсиз етказиб бериш, озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги савдо марказлари (бозорлар)нинг карантин қоидаларига риоя этилиши учун минимал шарт-шaroитларни таъминлаш, шунингдек, зарур товарлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббий ашёлар, дори воситалари ва х.к.)

нархлари устидан давлат ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

7) мамлакатлар ўртасидаги ташки савдонини ривожлантириш, пандемиялар тарқалишининг салбий таъсирига энг мойил иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни таъминлаш, шунингдек, ички ва трансчегаравий туризмни кенгайтириш учун зарур шарт-шaroитларни яратиш орқали туризм саноатини рағбатлантириш;

8) масофавий ўқишни ташкил этиш, таълим муассасаларида хавфсиз ўқиш шaroитларини яратиш орқали умрбод таълим олиш имкониятини таъминлаш;

9) инсоннинг асосий ҳуқуқлари чекланишининг олдини олиш, меҳнат муҳожирлари, кўчирилганлар ва қочқинларнинг ҳуқуқларини улар бўлиб турган мамлакатларда кафолатлаш, шу жумладан, ишсиз қолган меҳнат муҳожирларига моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, меҳнат муҳожирларининг ўз ватанларига қайтиши учун транспорт ва транзит йўлақлари ишлашини таъминлаш;

10) иқтисодий ва гуманитар ёрдам дастурларини амалга ошириш, пандемиялар билан бог-

лик вазият тўғрисида ишончли маълумот алмашиш, пандемиялар даврида давлатлараро ва давлатлар ичидagi низоларни тўхтатиб туриш ёки музлатиш, вакциналарни ишлаб чиқиш ва таъминлаш, барча мамлакатларни вакциналар ва дори-дармонлар билан тенг шaroитда таъминлаш бўйича халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни кучайтириш.

Бундан аввалроқ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Ўзбекистоннинг пандемияга қарши глобал саъй-ҳаракатларга қўшган ҳиссасини олқишлаган эди. ЖССТ Бош директори Тедрос Гебрейесус Ўзбекистон раҳбариятига йўллаган муурожаатида давлатимиз раҳбарига Кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишга қўмаклашишдаги узоқни кўра билгани ва етакчилиги учун миннатдорлик билдирди.

Кодекс матни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси расмий ҳужжати сифатида нашр этилиши, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг пандемияларга қарши курашиш ва глобал шартномани ишлаб чиқиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларига қўшган муҳим ҳиссаси бўлди.

“Дунё” АА

Нью-Йорк

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

РЕНЕССАНС ЯРАТАДИГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА КУЧИМИЗ ҲАМ, ҚУДРАТИМИЗ ҲАМ, ИМКОНИЯТИМИЗ ҲАМ ЕТАДИ

Кимёхон КАМОЛОВА,
Тошкент давлат педагогика университети доценти вазифасини бажарувчи

Бир неча йилдан бери тадқиқотчи сифатида каминани бир қатор саволлар қизиқтирар эди: Нима учун халқимиз тарихида иккита қатта Уйғониш даври бўлган-у, биз ҳали ҳам “уйғонмаяпмиз”? Аввалги иккита Ренессанснинг сирини нимада эди? Учинчи Ренессанс келажакда тарихчилар қайси даврга нисбатан беришар экан?

Ушбу саволлар билан манбаларга мурожаат қилиб юрган вақтимизда Президентимизнинг нутқларидан бирида уларга жавоб бўладиган куйидаги муҳим даъваткор фикр билдирилди: “Биз ўз олдимизда мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улугбеклар, Навоий ва бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”.

Дарҳақиқат, аждодларимиз яратган Ренессансларнинг сирини ўша даврда яратилган муҳит ва шароитлар билан боғлиқ эди.

Маълумки, Марказий Осиёда IX–XII асрлар Уйғониш (Ренессанс) даври маданияти шаклланиб, раванқ топган давр сифатида тарих саҳнасида жой олди. Албатта, бундай атиқлининг ўзига хос сабаб ва қурилишлари бор эди.

Ҳўш, Ренессанс ўзи нима? Унинг юзага чиқишига қандай тарихий шароитлар туртки бўлди? Заминимиздаги аввалги иккита Ренессанс пойдевори қандай асосларга кўра ташкил топган?

Ренессанс французча сўз бўлиб, қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ маъносини англатади, маданият, илм-фан, санъат, таълим-тарбия, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли бир хилликдан кейин қайта ривожланиш, ижтимоий онг ва қадриятлар тизимининг янгилини яраётганида намоён бўлади.

Биринчи Ренессанс Марказий Осиёда IX–XII асрларда рўй берди. Бу даврда давлатни бошқариш сиёсати, ер-сув, солиқлар билан боғлиқ фармонлар чиқарилиши, олимларга муносабат кишиларда эртанги кунга ишонч уйғотди. Уларнинг турли фан соҳалари (математика, астрономия, тиббиёт, ҳуқуқ, кимё, геодезия ва дунёнинг тузилishi ҳақидаги илмлар)га қизиқиши ортишига сабаб бўлди. Одамлар болаларини ўқитиш учун устоз қидира бошлади.

Бу даврда яшаб ижод этган Мухаммад Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Махмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Замашарий каби мутафаккирлар, имом Бухорий, имом Термизий каби буюк муҳаддислар, Мотуридий, Абулмуин Насафий каби мутакаллимлар ҳамда улардан таҳсил олган шоғирдлари, сафдошлари табиий ва аниқ фанлар доирасида, ислом дини осмонидан юлдуздай чарқлади. Уларнинг изланишлари, кашфиёт ва бекиёс гоёларидан бутун дунё баҳраманд бўлди. Бугунги кунга қадар ҳам уларнинг ўлимас меросидан фойдаланиб келинмоқда.

Минтақамизда Иккинчи Ренессанс пойдевори Амир Темур номи билан боғлиқ. Соҳибқирон бобомиз Иккинчи Ренессанс ҳомиёси, асосчиси сифатида тарихга муҳрланди.

Амир Темур марказий бошқарува асосланган қудратли салтанатни барпо этиш билан бирга, мамлакатда маданий-илмий юксалиш учун ҳам муносиб шароит яратишга интилди. Турли ҳудудлардан диний ва дунёвий илм соҳиблари, шoirлар, мезморлар, хунармандлар ва бошқаларни йиғиб, улар орқали мамлакатнинг илмий ва маданий қудрати юксалишига замин яратди. Чингизхон даврида инқирозга ураган маданият, илм-фан, маърифат қайта шаклланди ва тараққий этди. Мамлакат ободлик ва фаровонликка эришди.

Иккинчи Ренессанс даври, ўз навбатида, “Ислом маданиятининг олтин асри” дея номланди. Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Али Қушчи, Лутфий, Саккокий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Шарафиддин Али Яздий, Хондамир ва бошқа олимлар, шоирлар, муфассалар ва юртининг шухратини дунёга ёйди.



Бу икки Ренессанс инсониятга нималарни тўхфа қилди? Бутун дунёга “Байт ул-ҳикма”, Хоразм Маъмур академияси каби илм даргоҳларини тақдим қилди. Ернинг шарсимон экани ҳақидаги гоё илгари сурилди, глобус яратилди. Ер радиуси илм билан исботланди. Тиббиётнинг, алгебра фанининг тамал тоши қўйилди. Шаҳарсозлик, мезморлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар дунё аҳлини лол қолдирди. Биринчи Ренессансда ислом цивилизациясининг тамал тоши қўйилган бўлса, Иккинчи Ренессансда янада юксалишига йўл очилди.

Эътибор берсак, ҳар иккала Уйғониш даврида ҳам энг муҳим жиҳат — давлатнинг эътибори, мамлакат бошқарувида олиб борилган одилона ва оқилона сиёсат, таълим-тарбия устувор бўлган. Бундан ташқари, инсонларда юксак ахлоқ, илм-фанга ташналик билан бирга, борлиқ сирларини очиб ва янги илм яратишга ишонч кучли бўлган. Олимлар ўзлари билмаган ҳолда, бугун тарихчилар эътироф этаётган Ренессанс даврининг ижрочиларига айланган.

Ҳар икки Ренессанс даврида давлат раҳбарлари, олимлар фузалолар, биринчи навбатда, ёшлар таълим-тарбияси, маънавияти, иймон-этиқоиди масаласига алоҳида эътибор қаратган. Деярли барча алломалар асарларида таълимни тарбия билан уйғун олиб бориш лозимлиги ҳақидаги фикрларни учратиб мумкин. Масалан, Абу Али ибн Сино ўз асарларида илм ва одоб-ахлоқ уйғунлиги, баркамол авлод камолоти ва бахт-саодати, адолат ва диёнат, инсонларнинг ўзаро дустлиги ва ҳамкорлиги, обод турмуш тўғрисидаги гоёларни илгари сурган. Мутафаккир “Бола баданининг бўғинлари қотиб, тили раван қиқиб, кулоғи эшитиш ва гапни маъқуллаш учун тайёр бўлиб, вужуди илм ва одоб ўрганишга ҳозир бўлганда унга илм ва одоб ўргатиш керак”, деб ёзди.

Бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон ҳам, шундай: бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Сал олдинги тарихга назар ташлайлик. XIX асрнинг иккинчи ярмида миллий мустақиллигимиздан ажралдик. Жадидлар қатағон қилинганда бошлаб илм-фан соҳасида ҳам турғунлик даври бошланди. Чунки ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний, мафқуравий таътиқлар шунга мажбур қилар эди. Ҳеч ким ўз фикрини очик-ойдин баён қила олмас, баён қилганларнинг, эса, бошига қулфат ёғилар эди. Ушбу сиёсат туйғайли қанчадан-қанча олимлар, шоирлар, муфассаларимиз “туғилдию, бўғилди”.

Шуқри, мустақилликка эришганимиздан кейин бундай нохуш ҳолатларга барҳам берилди. Аждодларимиз мероси тиклана бошлади. Барча соҳаларда халқчил ислохотлар олиб борилди. Халқда руҳий кўтарилиш, келажакка ишонч пайдо бўла бошлади. Бу ҳолат “миллий тикланиш”, дея ном олди. Бугунги кунда эса, миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичига ўтди. Энди, албатта, қандайдир ўзгариш бўлиши лозим. Чунки биз иккита Ренессанснинг яратган буюк аждодларнинг ворисларимиз.

Бунди Президентимиз Шавкат Мирзиёев Учинчи Ренессансга қадам қўйиб босқичи,

яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш босқичи, деб номлаб, қуйидаги таърифлади: “Халқимизнинг улғувор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.

Иймонли инсонлар Учинчи Ренессанс ижодкорлари ҳисобланади. Учинчи Ренессанс яратиш бир ёки икки кишининг иши эмас. Уни барпо этиш учун мамлакатнинг ҳар бир вакили — хоҳ ёш бўлсин, хоҳ қатта — барча баробар ҳаракат қиломоғи лозим. Ренессанс яратишга ишончи билан бирга, қаттиқ ҳаракат ҳам қилиш шарт. Бу ҳам осон кечадиган жараён эмас. Чунки ушбу жараённи амалга ошириш учун дастлаб маънавиятлий инсонлар қатлами шакллантириш керак. Бундай инсонларда тафаккур ҳиссий онгдан устун келади, инсон ўзини ўзи идора қила олади. Маънавият инсонни онгли яшаш ва олижаноб хислатларга чорлайдиган ноёб фаолиятдир. Уни юксалтириш масаласи эса, кўпроқ инсоннинг ўзига ва унга таъсир ўтказадиган муҳитга боғлиқ.

Учинчи Ренессанснинг иймонли инсонлар барпо этади, дедик. Ҳўш, бундай инсонлар зерида қандай фазилатларни жамлаган бўлади? Иймон инсон онги ва дунёқараши билан боғлиқ нодир феномен бўлиб, бу тушунчага кўпчилик бир томонлама, яъни диний тушунча сифатида қарайди. Аслини олганда, иймон нафақат диний тушунча, балки юксак ижтимоий-фалсафий маънога эга, бугунги кун, давр учун ўта зарур ижтимоий қадрият ҳамдир.

Демак, Учинчи Ренессанснинг қуришга интилган иймонли инсонлар жамияти қарор топган бўлса, улар миллат, ирқ, дин танламайди, аксинча, бир-бири билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб, янгиликларни яратишга бел боғлайди. Ватан учун, халқ учун ёниб яшайди. Биргина бугунги эмас, келажакни ўйлайди. Фарзандлар бахту камолоти ҳақида қайғуради. Бу эса, жамият ва давлат тараққиётига олиб келади. Энг муҳими, ўсиб келаятган ёш авлод шундай инсонлардан ибрат олиб, юксак эътиқодли бўлиб воёга етади.

Иймонни шартли равишда икки йўналишга бўлиш мумкин.

Биринчиси, аниқ ҳаётий эҳтиёжларни қондириш зарурати асосида юзага келадиган гоё, фикр, мулоҳаза, тахмин, фаразга ишончдан иборат маънавий-руҳий ҳолат.

Иккинчиси, муайян дунёқарашда ифодаланган гоёлар, тинимсиз ҳақиқат каби ҳақиқат эмас, деб қабул қилиш асосида онгда, ҳис-туйғуда юзага келадиган ишонч ва ишончсизликдан иборат руҳий ҳолат.

Маълумки, ҳар қандай фикр ҳам гоё бўла олмайдди. Унинг гоёга айланиши учун одамларни бирлаштирадиган, ўз орқасидан эргашира оладиган хусусият бўлиши лозим. Демак, Президентимизнинг “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратамиз”, деган фикри гоёга айланиши, рўёбга ошиши учун, аввало, барчамиз бирдек ишончимиз, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, одамларнинг дунёқарашида ана шу гоёга ишонч, маънавий-руҳий ҳолатни шакллантиришимиз лозим. Чунки муайян дунёқараш асосидаги гоёлар, тинимсиз ҳақиқат каби ҳақиқат эмас, деб қабул қилиш асосида онгда, ҳис-туйғуда юзага келадиган ишонч ва ишончсизликдан иборат руҳий ҳолат.

Маълумки, ҳар қандай фикр ҳам гоё бўла олмайдди. Унинг гоёга айланиши учун одамларни бирлаштирадиган, ўз орқасидан эргашира оладиган хусусият бўлиши лозим. Демак, Президентимизнинг “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратамиз”, деган фикри гоёга айланиши, рўёбга ошиши учун, аввало, барчамиз бирдек ишончимиз, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, одамларнинг дунёқарашида ана шу гоёга ишонч, маънавий-руҳий ҳолатни шакллантиришимиз лозим. Чунки муайян дунёқараш асосидаги гоёлар, тинимсиз ҳақиқат каби ҳақиқат эмас, деб қабул қилиш асосида онгда, ҳис-туйғуда юзага келадиган ишонч ва ишончсизликдан иборат руҳий ҳолат.

Маълумки, ҳар қандай фикр ҳам гоё бўла олмайдди. Унинг гоёга айланиши учун одамларни бирлаштирадиган, ўз орқасидан эргашира оладиган хусусият бўлиши лозим. Демак, Президентимизнинг “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратамиз”, деган фикри гоёга айланиши, рўёбга ошиши учун, аввало, барчамиз бирдек ишончимиз, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, одамларнинг дунёқарашида ана шу гоёга ишонч, маънавий-руҳий ҳолатни шакллантиришимиз лозим. Чунки муайян дунёқараш асосидаги гоёлар, тинимсиз ҳақиқат каби ҳақиқат эмас, деб қабул қилиш асосида онгда, ҳис-туйғуда юзага келадиган ишонч ва ишончсизликдан иборат руҳий ҳолат.

Ўзбекистонда XXI асрда Учинчи Ренессанс даври барпо этилишига ишонган одам қалбани юртимизни аввалги Ренессанслар даврида бўлгани каби, энг тараққий этган мамлакатлар қаторида кўради. Юртимизнинг келажакни нима сабабдан буюк бўлиши, нега бунчалик

“ РЕНЕССАНС ЎЗИ НИМА? УНИНГ ЮЗАГА ЧИҚИШИГА ҚАНДАЙ ТАРИХИЙ ШАРОИТЛАР ТУРТКИ БЎЛДИ? ЗАМИНИМИЗДАГИ АВВАЛГИ ИККИТА РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ ҚАНДАЙ АСОСЛАРГА КЎРА ТАШКИЛ ТОПГАН? РЕНЕССАНС ФРАНЦУЗЧА СЎЗ БЎЛИБ, ҚАЙТА ЮЗАГА КЕЛМОҚ, ЯНГИДАН ТУҒИЛМОҚ МАЪНОСИНИ АНГЛАТАДИ, МАДАНИЯТ, ИЛМ-ФАН, САНЪАТ, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ, УМУМАН, ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА УЗОҚ МУДДАТЛИ БИР ХИЛЛИКДАН КЕЙИН ҚАЙТА РИВОЖЛАНИШ, ИЖТИМОЙ ОНГ ВА ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИНИНГ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА НАМОЁН БЎЛАДИ.

ишонч билан айтилаётгани ҳақида тушунчаси бор, шунинг учун ҳам у хулоса чиқара олади.

Иккинчи Ренессанс пойдеворини яратишда бош бўлган Амир Темур ишни дастлаб фарзандлар тарбиясидан бошлади. У ёшлар тарбияси борасида қатор муҳим ишларни амалга оширди.

Биринчидан, ҳар бир қишлоқда бошланғич таълим берувчи мактабларни ташкил қилди. Ёшларнинг, пировардида халқнинг саводли, билимли бўлишига эришди. Мамлакатдаги маърифий-тарбия ишлар давлат томонидан идора қилиниши зарур, деб ҳисоблаб, ўзи бу ишда ўрнатқ бўлди.

Иккинчидан, илмнинг ривожланишида турли соҳадаги китобларнинг аҳамияти катталигини назарда тутиб, китобни “донихандликнинг асоси” ва “ҳаётини ўргатувчи”, “инсонни тарбияловчи восита” деб баҳолади. Комил инсонни шакллантиришда билим билан тарбия ўзаро алоқадор деб тушунди.

Учинчидан, давлат келажакни бўлган ёшларни юксак ахлоқий фазилатларга эга, инсонпарвар, жисмонан бақувват, ватанини севадиган, ҳарбий билимга эга, миллий ғурури эти тарбиялашни асосий талаблардан деб билди. Фуқароларни ҳам шунга ишонтириш керак. Соҳибқирон мамлакатнинг маънавий, маданий, илмий қудратини юксалтиришга эришди. Бу ҳолат мамлакатда маънавий бой инсонларнинг тарбияланишига замин яратди.

Бугунги янги Ўзбекистонда ҳам ана шундай муҳит яратилётди. Ёшлар ижодда ҳам, илмда ҳам, тарбияда ҳам пешқадим қилиб тарбияланмоқда. Улар тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган бошқалар ва мактаблар тизимида улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлиб туришимиз. Президентимиз бошчилигида “Бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшга бугун даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратиш, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида янги хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улугбеклар, Навоий ва бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни таъминлаш муҳим”лигига эътибор қаратилмоқда.

Ренессанснинг таянч устунлари бўлиши биз — педагоглар, тарбиячилар, ўқитувчи, зиёлилар ҳамда ота-оналар бундай имконият ва шарт-шароитлардан фойдаланиб, маънавияти юксак авлодни тарбиялашимиз ва иймонли қарор топиши чораларини қўришимиз керак. Аввало, ҳар бир шахс, айниқса, ёш авлодни Учинчи Ренессанс барпо этилишига интиришимиз керак.

Бугун Янги Ўзбекистонда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” бош гоёсига таяниб, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш вазифаси қўйилган экан, уни бажариш учун биргина раҳбар, педагог ёки тарбиячи эмас, балки шу Ватан барчамизники, дея кўнглида ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонийлик фазилатлари мужассам, иймон-этиқоиди бутун бўлган ҳар қандай шахс тарғиботчи бўлиши лозим.

Тўғри, биз Учинчи Ренессанснинг бир йилда, беш йилда, ўн йилда амалга оширамиз, деб бонг урмаймиз, лекин мана шу Ренессанс яратадиган авлодни воёга етказишга кучими ҳам, қудратими ҳам, имкониятимиз ҳам етарли. Шундай экан, биздан фақат меҳнат ва таълим-тарбия самарадорлигини ошириш талаб қилинади.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ



Мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларни юксак маънавиятли, билимдон, юрт тақдирини ўз зиммасига олишга қодир авлод сифатида воёга етказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улар эришаётган ютуқларни рағбатлантириш ва муносиб тақдирлашга ҳам юксак эътибор қаратиляпти.

БУЮК МУСАВВИРГА МУНОСИБ ИЗДОШЛАР САРАЛАНДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 21 апрелда қабул қилинган “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан ҳам олий таълим муассасаларида тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида таълим олаётган иқтидорли, ижодкор талабаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида Камолитдин Бехзод номидаги давлат стипендиясини таъсис этиш вазифаси белгилаб берилган эди.

Жорий йилда илк бор олий таълим муассасаларининг иқтидорли ва ижодкор талабалари учун ушбу давлат стипендияси танлови ўтказилди. Стипендия тайинлашда талаборнинг олий таълим муассасасидаги таҳсил даврида вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги шахсий кўргазмасини ташкил этгани, соҳа бўйича халқаро ва республика даражада ижодкорлиги ҳисобга олинди.

Биринчидан, ҳар бир қишлоқда бошланғич таълим берувчи мактабларни ташкил қилди. Ёшларнинг, пировардида халқнинг саводли, билимли бўлишига эришди. Мамлакатдаги маърифий-тарбия ишлар давлат томонидан идора қилиниши зарур, деб ҳисоблаб, ўзи бу ишда ўрнатқ бўлди.

Иккинчидан, илмнинг ривожланишида турли соҳадаги китобларнинг аҳамияти катталигини назарда тутиб, китобни “донихандликнинг асоси” ва “ҳаётини ўргатувчи”, “инсонни тарбияловчи восита” деб баҳолади. Комил инсонни шакллантиришда билим билан тарбия ўзаро алоқадор деб тушунди.

Учинчидан, давлат келажакни бўлган ёшларни юксак ахлоқий фазилатларга эга, инсонпарвар, жисмонан бақувват, ватанини севадиган, ҳарбий билимга эга, миллий ғурури эти тарбиялашни асосий талаблардан деб билди. Фуқароларни ҳам шунга ишонтириш керак. Соҳибқирон мамлакатнинг маънавий, маданий, илмий қудратини юксалтиришга эришди. Бу ҳолат мамлакатда маънавий бой инсонларнинг тарбияланишига замин яратди.

Бугунги янги Ўзбекистонда ҳам ана шундай муҳит яратилётди. Ёшлар ижодда ҳам, илмда ҳам, тарбияда ҳам пешқадим қилиб тарбияланмоқда. Улар тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган бошқалар ва мактаблар тизимида улкан ўзгаришларга гувоҳ бўлиб туришимиз. Президентимиз бошчилигида “Бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшга бугун даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган яхлит ва узлуксиз тизим яратиш, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида янги хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улугбеклар, Навоий ва бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни таъминлаш муҳим”лигига эътибор қаратилмоқда.

Ренессанснинг таянч устунлари бўлиши биз — педагоглар, тарбиячилар, ўқитувчи, зиёлилар ҳамда ота-оналар бундай имконият ва шарт-шароитлардан фойдаланиб, маънавияти юксак авлодни тарбиялашимиз ва иймонли қарор топиши чораларини қўришимиз керак. Аввало, ҳар бир шахс, айниқса, ёш авлодни Учинчи Ренессанс барпо этилишига интиришимиз керак.

Бугун Янги Ўзбекистонда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” бош гоёсига таяниб, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш вазифаси қўйилган экан, уни бажариш учун биргина раҳбар, педагог ёки тарбиячи эмас, балки шу Ватан барчамизники, дея кўнглида ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонийлик фазилатлари мужассам, иймон-этиқоиди бутун бўлган ҳар қандай шахс тарғиботчи бўлиши лозим.

Тўғри, биз Учинчи Ренессанснинг бир йилда, беш йилда, ўн йилда амалга оширамиз, деб бонг урмаймиз, лекин мана шу Ренессанс яратадиган авлодни воёга етказишга кучими ҳам, қудратими ҳам, имкониятимиз ҳам етарли. Шундай экан, биздан фақат меҳнат ва таълим-тарбия самарадорлигини ошириш талаб қилинади.

Гуличехра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

“Таъвилот ал-Қуръон” – унга ҳеч бир китоб тенг кела олмайдиган асардир. Бу фан бўйича ундан аввалгилар ёзган китобларнинг бирортаси ҳам унга яқин кела олмайди”.

Абу Муин НАСАФИЙ

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ШИРИН МЕВАСИ

ёхуд буюк аждодларимизнинг асарларини энди ўзбек тилида ўқиймиз



Отабек МУҲАММАДИЕВ, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари

Юксак даража соҳиби

Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг асарлари бир неча асрлар оша бутунжаҳон маърифат майдонига ўз улғуворлигини сақлаб келиб, Шарқ ва Ғарбда фан ва маданият шаклланишининг пойдевори сифатида дунё илм масканларида асосий дарслик сифатида қўлланилган ва улардан ҳозиргача ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Буюк аждодларимизнинг ислом илмлари соҳасидаги илмий мероси айни кунгача дунё мусулмонлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, юртимиздан чиққан фақиҳ ва калом илми алломаларининг ислом ҳуқуқшунослиги, тафсири ва ақида илми борасида тўплаган илмий-амалий тажрибаси юртимизда Қуръон ва фикҳ иллари ривожига муносиб ҳисса қўшган. Бу борада “Имом ул-худа” — Ҳидоят имоми, “Мусаҳахиқ ақийдаги ахлис-сунна” — Ахли сунна ақидасини тўғриловчи, “Имом ул-мутақаллимийн” — Мутақаллимларнинг имоми деган шарафли номлар билан эъзозланган Имом Мотуридий илмий меросининг қадри ва қиймати баланд. Негаки, у инсонларнинг тўғри йўлда бўлишини таъминлашга ҳизмат қиладиган, оғишти, тойлиши ва адашишларнинг олдини оладиган муҳим дастуруламалдир. Замонлар ўтгани сайин бу хазинанинг ўз қадри ва аҳамиятини йўқотмай келаётгани ҳам шундан бўлса, ажаб эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ислам ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясидаги маърузасида шундай деб таъкидлаган эди: “Учинчи асрда самарқандлик мутафаккир Абу Мансур Мотуридий томонидан асос солинган Мотуридия таълимоти бутун ислом оламида кенг тарқалган. Мотуридия таълимоти илм эгаллаш жараёнида бағрикенглик гоёси асосида инсон ақл-заковатининг ўрни ва аҳамиятига юксак эътибор қаратади. Бу, ўз навбатида, ушбу таълимотнинг кенг оммалашувида муҳим ўрин тутган. Бундай гоёларга буёунги кунда ҳам инсоният катта эҳтишж сезмоқда”.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий Самарқандий 870 йилда Самарқанд шаҳри яқинидаги Мотурид қишлоғида таваллуд топган. Самарқанддаги “Дор ал-Иёдия” ва “Дор ал-Жузжония” номли мактабларда ханафий уламолардан таълим олган. Аллома ўз даврида исломда адолат ва мўътадиллик асосларини мустаҳкамлаш, бўлиниш ва фитналарнинг олдини олиш, умматни илм ва одоб неғизида бирлаштириш йўлидаги азму шижоати ҳамда илмий жаҳди билан ном қозонган.

Аллома 944 йилда Самарқанд шаҳрида вафот этган ва Чокордида қабристонига дафн этилган. Замондошлари ҳам, ундан кейинги уламолар ҳам Мотуридийнинг чўчур илмий изланишлари натижасида майдонга чиққан асарларининг аҳамиятини, ўзининг эса, нечоғли юксак даража соҳиби бўлганини эътироф этганлар.

Алломининг машҳур шогирди Абул Қосим Ҳаким Самарқандий таърифи билан айтганда,

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 11 январь кун Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида буюк алломаларимизнинг нодир асарлари мазмун-моҳиятини ўрганиш ва халқимизга етказиш мақсадида уларни саралаш ва босқичма-босқич таржима қилишни ташкил этиш вазифаси топширилган эди.

Ушбу вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази тадқиқотчи олимлари томонидан мотуридийлик таълимотининг асосий манбаи — “Таъвилот ал-Қуръон” асарини ўзбек тилига таржима қилишдек шарафли ишга қўл урилди. Халқимизнинг аксарияти Қуръони каримдан “Фотиҳа” сураси ва 30-жиз сураларини ёддан билиши инобатга олиниб, шунингдек, тафсир йўналишидаги кўп асрлик анъаналарга амал қилган ҳолда, дастлаб асарнинг айнан шу қисмлари таржима қилинди ва нашр этилди.

“Абу Мансур Мотуридий бор нафаси миқдоридаги илмларни узида жамлаган, бутун кучини ўз илмини ўрағатиш ва тарқатишга сарфлаган. Шунинг учун у ёзган асарлар мақтовга сазовор. У ўз умридан серҳосил медаларни олишга эришган зотдир”.

Ҳозирги давр уламоларидан Мисрнинг собиқ муфтийси, Ал-Азҳар нуфузли уламолар кенгаши аъзоси Шайх Али Жумъа таъбири билан айтганда: “Дарҳақиқат, имом, ҳужжат, суннатнинг химоячиси, бидъатни йўққа чиқарувчиси Абу Мансур Мотуридий Қуръонни раъй асосида тафсир қилган мактабнинг буюк устозларидан бири бўлган. У зот — Аллоҳ у кишидан рози бўлсин — “Таъвилот ал-Қуръон” номли сермахсул асарни ёздилар. Бу асар ўз соҳасида ягона, бу ўринда ҳужжат бўладиган бур асардир.

Батаҳқиқ, Имом Мотуридий турли илмлар бўйича қомусий олим бўлган. У мўътазиллийларга ҳамфикр бўлмаган масалалар юзасидан улар билан кўпбаҳс мунозаралар олиб бораган.

Буюк аждодимиз Абу Мансур Мотуридийнинг бугунги кунгача етиб келган асарларидан энг машҳури ва илмий қиймати билан энг аҳамиятли саналгани, шубҳасиз, “Таъвилот ал-Қуръон”дир. “Таъвилот ал-Қуръон” асари — мотуридийлик таълимоти асосидир. Унда ханафийлик, ахли сунна вал жамоанинг бутун ақидаси таъриф қилинган. Асарда мўътазилла, хавориж, рофиза, карроми, жаҳмий, мушаббиха каби ботил фирқаларнинг, мунажжим, фолбин ва шулар сингари инсонни соғлом фикрдан чалғитувчиларнинг қарашлари, гоёлари, иттиҳодлари, ҳозирги замон истилоҳи билан айтганда, демагогияси муноқаша қилинган ва барчасига илмий асосда раддия берилган.

Туркиянинг Ибн Халдун университети ўқитувчиси Ҳамзалик жиҳатларини алоҳида таъкидлайди: “Таъвилот ал-Қуръон” китоби бу — Қуръони каримнинг тафсири бўлиб, унда Қуръони каримнинг барча оятлари тафсири келтирилган. Муаллиф бу асарда Қуръон оятларини жамиятнинг ушбу фанда мутахассис бўлган ва бўлмаган тоифасига бирдек муносиб келадиган услубда тафсир қилган. Яъни Имом Мотуридий қўллаган иборалар ҳар икки тоифа инсонлар учун ҳам манфаатлидир”.

Шу сабабли ҳам Қуръони каримнинг тафсири ва таъвилоти бағишланган бу асар асрлар давомида ўзининг аҳамиятини йўқотмай келаяпти, унинг маъно-мазмун бугунги кунда ҳам ўта долзарб бўлиб, ижтимоий муаммоларни бартараф этишда муҳим ўрин тутмоқда.



Шайх Али Жумъа таъбири билан айтганда: “Дарҳақиқат, имом, ҳужжат, суннатнинг химоячиси, бидъатни йўққа чиқарувчиси Абу Мансур Мотуридий Қуръонни раъй асосида тафсир қилган мактабнинг буюк устозларидан бири бўлган. У зот — Аллоҳ у кишидан рози бўлсин — “Таъвилот ал-Қуръон” номли сермахсул асарни ёздилар. Бу асар ўз соҳасида ягона, бу ўринда ҳужжат бўладиган бур асардир.



Шу сабабли ҳам Қуръони каримнинг тафсири ва таъвилоти бағишланган бу асар асрлар давомида ўзининг аҳамиятини йўқотмай келаяпти, унинг маъно-мазмун бугунги кунда ҳам ўта долзарб бўлиб, ижтимоий муаммоларни бартараф этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Асардан кўпбаҳс ҳадислар, саҳобаларнинг сўзлари ўрин олган. Хусусан, Абдуллоҳ ибн Аббосдан нақл қилинган ривоятлар жуда кўп ўринда зикр этилди. Тадқиқотчилар тўқсонга яқин саҳоба ва тобеъининг номлари қаламга олинганини ҳисоблаб чиққанлар. Бундан ташқари, йигирмадан зиёд луғат ва тафсир уламолари фикрларидан фойдаланилгани қайд этилган. Уларнинг авваллари Али ибн Ҳамза Кисоий, Яхё ибн Зиёд Фарро, Абу Убайда Мазъар ибн Мусанно, Ибн Қутайба, Мубаррад, Зажжох туради.

“Таъвилот ал-Қуръон” ўзига хос услубда ёзилган. Унда муаллиф кўпроқ таъвилга эътибор қаратади ва шунга таянади. Асар ҳақида туркиялик илоҳийшунос олим, профессор Юсуф Шавқий фикрлари эътиборга молик: “Таъвилот ал-Қуръон” асари кишини чўчур мушоахда юретишга ундайди. Бугунги кунда биз, яъни, ислом уммати қўлимизда шундай бир китоб бўла туриб тақлид йўлига ўтиб кетдик. Бугун биз ўзимизни ислоҳ қилиш учун Имом Мотуридий асарларига, жумладан,

“Таъвилот ал-Қуръон”га жуда муҳтожмиз. Чунки, мотуридийлик таълимотида ижтиҳод масаласи, яъни инсоннинг ақлга таяниши, тафаккур юретиши жуда ҳам муҳим ҳисобланади. Тақлид қилиш, бошқаларга кўр-кўрона эргашиб эса кескин қораланади. Тафаккур — миллат келажакнинг асосидир”.

Дарҳақиқат, тафаккур — фикрлар, илм ва зехн сарчмасы. Асрлар давомида онг поклиги, билимларни кашф этиш ва кенгайтириш истаги исломда чўчур маъно ва анъаналарга асосланган. Илмнинг муҳимлиги ва фалсафий маънолари доимо диққат марказида бўлиб келгани ҳам шундан. Мотуридийнинг меҳнати эса шу қадар аҳамиятли, китоблари шу қадар муқамаллики, хатто ханафий мазаҳибадагилар ҳеч бир мулоҳазасиз “Ханафийлар ичида биринга шу имомнинг етишиб чиқгани ҳам уларга қийфой қилган бўлар эди”, деган фикрни билдирганлар.

Соф ислом ақидасини сақлаш, ботил эътиқодларга қарши курашишда “Таъвилот ал-Қуръон” ҳамшира билан манба бўлган. Хусусан, миллодий Х-ХI асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда мўътазиллийлар таъсир кучини кескиш, илдишларини қирқиш, бу ботил фирқа фаолиятига чек қўйиш ва эътиқодий таназзул юзга келишининг олдини олишда гоёта муҳим аҳамият касб этган.

Мухтасар қилиб айтганда, асар кишилар онги ва қалбига ижобий таъсир кўрсата олган. Инсон қалби ва ҳис-туйғулари эса, ҳаёт тарзининг муҳим қисми. Исломи таълимоти шу туйғуларни слоҳ этишга қайғуради. Ҳозирги кун учун ҳам муҳим ҳисобланган руҳий салохият тушунчаси ҳамшира ислом таълимотининг ажралмас қисми бўлиб келган.

Шу нуқтани назардан, Имом Мотуридийнинг бу тафсири ислом илмлари таълимотида беназир бўлиб, уламолар наздида бошқа бирор аввалги ва кейинги тафсирлар унга тенгшлаша олмаган. “Кашфул зунн” китоби муаллифи Ҳожи Халифа “Таъвилот ал-Қуръон” ҳақида: “Ушбу китоб



Имом Мотуридийнинг бошқа асарлари орасида тили ва услуби жиҳатдан энг энгил ҳисобланади. Шу сабабли, ахли сунна вал жамоа уламоларининг асосий манбаидир”, деб ёзади.

Асарнинг мўътабарлиги ҳам унинг ахли сунна вал жамоа учун Қуръон оятлари тафсиридаги қарашлари тўғри эканини асослаш, тасдиқлаш ва исботлаш билан бира, адашган фирқаларнинг нотўғри қарашларини очиб берганлигидадир. Мотуридийлик уламолари Абу Муин Насафий “Табсират ал-адилла” асарида айтган сўзлари фикримизни исботлайди: “Имом Мотуридийнинг Қуръонга ёзган тафсири барча маъхум туюлган масалаларга аниқлик киритиб берувчи, инсон қалбидега шубҳали қора булутларни ҳайдовчи ҳақиқат нияҳотда болиғ вафқ ила ёзилган асардир. Аллоҳ шундай китобни ёзган зотга ўз саломини йўлласин”.

Шарафли юмуш шарофати

“Қайсидир халқнинг илмий меросига эътибор бериб, уни ўрганиш, унинг устида чўчур тадқиқот олиб борадиган бўлиб келган ҳақиқатлар оммасига тақдим қилиш ўша халқнинг меросини таниш, маданий ва илмий ютуқларини очиб бериш йўлида энг асосий омиллардан бири эканида Шарқ Ғарбдаги тадқиқотчи олимлар ўртасида ҳеч бир ихтилоф йўқ. Бу — ҳеч ким шубҳа қилмайдиган ҳақиқатдир.

Шунга кўра, Қуръони каримнинг тафсирига оид меросни ўрганиш, уни тадқиқ қилиш ҳамда илмий суръатда тақдим этиш ҳам муҳим иш ҳисобланади. Чунки бу иш Аллоҳ таолонинг Китобини ўрганиш, Унинг мақсадини англаш, ундаги таълимотлардан воқиф бўлиш, унинг хазиналарини чиқариб олиш, дуру гаҳларларини кашф қилиш борасида ўзининг каттагина ҳиссасини қўшади”.

Ал-Азҳарнинг Ислам илмлари мажмуаси Бош котиви Шайх Муҳаммад Назир Аяда

Таъкидлаш лозимки, юртимиз мусулмонлари мотуридийлик таълимотида эътиқод қилса ва муаллиф аллома ватандошимиз бўлса ҳамки, буюк аждодимиз Абу Мансур Мотуридий қаламига мансуб “Таъвилот ал-Қуръон” асари ҳозирги даврга қадар Ўзбекистонда жиҳдий ўрганилмаган эди. Турли фитналар гирдобидан омон қолиб, эътиқодни соғлом тутиш машаққатли бўлиб бораётган, жаҳонда бири-бирдан мураккаб ва кескин сиёсий-ижтимоий жараёнлар кузатилаётган, бугунги кунлар ислом динидан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланаётган бугунги вазиятда дину дёнәтатимизнинг энг муҳим асосларидан бири бўлган бу асарни ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттириш ўта зарур ва гоёта долзарб ишлардан бирига айланди.

Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази директори ўринбосари Шайх Абдулазиз Мансур бу борада ўринли фикрни баён этди:

“Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари ўзбек тилига ўзгарилаётгани халқимизни илм-маърифатини оширишдаги муҳим қадамлардан биридир. Юртимиз мўътазиллийларнинг мотуридийлик таълимотига эътиқод қилишини инобатга олак, асарнинг таржима қилиниши жуда зарурий ишлардан бири бўлиб турган эди. Мухтарам Президентимиз

миз ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази қисқа фурсат ичида ўзининг медаларини бера бошлади. Ушбу таржима иши марказ олимлари томонидан амала оширилган энг муҳим ва катта илмий натижа бўлди”.

Таржимани мукамал амалга ошириш мақсадида асар яқиндан ўрганилиб, Имом Мотуридий раҳимхуллоҳнинг қарашларини имкон қадар енгил, тушуни осон бўлган услубда халқимизга етказишга эътибор қаратилди. Қуръони карим оятларининг таржимасини келтиришда Шайх Абдулазиз Мансур қаламига мансуб “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” асаридан кенг фойдаланилди. Хориждаги мотуридийшунос олимлар билан мулоқотлар ўтказилди, улардан маслаҳатлар олинди. Жумладан, Қуръон, тафсир илмлари бўйича таниқли олим, мотуридийшунос Аҳмад Саъд Даманхурий, Туркиянинг Мармара университети профессори, доктор Умар Челик, тафсир мотуридийшунос олим, профессор Юсуф Шавқий Явуз каби олимлар билан фикр алмашилди.

Кўпбаҳс уламолар тавсияларига асосан, Бекир Тўпал ўғли ва Аҳмад Вонли ўғли таҳқиқи остида нашр этилган нусха таржима ишининг асосий манбаси қилиб олинди. Имом Мотуридий раҳимхуллоҳ “Таъвилот ал-Қуръон” асарида ўзининг фикрларига далил-ҳужжат учун келтирган оятлар ва ҳадисларнинг манбалари хошияда кўрсатиб ўтилди.

Мисрлик мотуридийшунос олим, илоҳийт фанлари доктори Аҳмад Саъд Даманхурий

мазкур йирик таржима ишини марказ илмий жамоасининг бу муқаддас заминда яшаб ўтган аждодлар ворислари бўлган авлод вакиллари сифатидаги мажбурияти деб баҳолади: “Ўз даврида илм ва уламоларнинг қилбаси бўлган Самарқанд замининда яшаб, шу заминда вафот этган буюк имом авлодларининг мана шундай ишга қўл уришлари ҳайратланарли ҳолат эмас, албатта. Аксинча, ислом маданияти ва тафаккурини ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган ва мусулмонлар буёунги кунга қадар уларнинг илмий меросларидан баҳраманд бўлиб келаётган улғур ота-боболарига вафодорлик нуқтаи назардан олиб қаралганда, бу вазифа уларнинг зиммаларидаги бурч ҳамдир”.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази жамоаси томонидан олиб борилган изланишлар натижаси ўлароқ, бугун ўзбек тилидаги “Таъвилот ал-Қуръон” асари дастлабки 30-жизининг нашри дунё юзини кўрди ва бу, албатта, давлатимиз Мустақиллигининг 30 йиллигига муносиб туҳфа бўлди.

Энг улғур, Энг азиз айём арафасида имон-эътиқодий халқимизга ўзбек тилида тақдим қилинган мазкур асардаги Қуръони карим сураларининг тафсири Қуръон оятлари маъносини янада яхшироқ англашга, буюк Имом Мотуридий бобомиз таълимотини тушунишга асос бўлиб хизмат қилади.

Имом Мотуридийнинг мероси нафақат мутақаллимлар, балки дунёвий илм вакиллари, кенг жамоатчилик томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда.

Алломининг илмий меросида муборак ислом динининг ҳаётбахш мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш, турли бидъат ва хурофотларга ботган гуруҳ ва тоифаларга қарши кураш алоҳида ўрин эгаллайди. Шу нуқтани назардан, Имом Мотуридий илгари сурган гоёлар бугунги кунда ҳам гоёта долзарб бўлиб, нафақат илмий, балки юксак амалий аҳамиятга эга.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридagi Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2634.

76603 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳих: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА яқуни — 21.30 Топширилди — 00.05